

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University


1/2023



1/2023

E-ISSN 2181-1466

9 772181146004

ISSN 2181-6875

9 772181687004

 @buxdu_uz

 @buxdu1

 @buxdu1

 www.buxdu.uz

Қаюмова Н.М.	воситаларининг қўлланиши	
Fayziyeva M.Ch.	Amerika va o‘zbek badiiy diskursida sadoqat va xiyonat g‘oyalari talqini	292
Juraqulova G.M.	Biographic elements in “Jane Eyre” by Charlotte Brontë	296
Kadirova N.A.	Complex nature of the term “motif” in literary criticism, and the analysis of one of its variations on the example of the uzbek folk tale “Mokhistara”	300
Rakhmatova M.M., Fayziyeva Sh.R.	Literature review on the analysis of academic integrity challenges in muslim countries	304
Pulatova S.Sh.	Factors leading to family happiness in the short story “A marriage of convenience” by William Somerset Maugham	310
Xudoyev S.S.	Nemis adabiyotshunosligida topishmoq janrining tadqiq-u tavsifi	314
Zokirova N.S.	Tarjimada lingvokognitiv dunyo manzarasi, lingvistik ong va lingvistik anglashning o‘zaro munosabatlari	319
Каримова Д.Х.	Таржимада вариантилилар ва инвариантлилар тушунчаларининг специфик хусусиятлари	324
Мамадијрова Ю.А.	Бадий таржимада меъморий экфрасис матнлар таҳлили	331
Содикова Д.Т.	Муслихабегим Мискин шеъриятининг образлар олами ва уларнинг поэтик функцияси	337
Rakhmatova Sh.B.	Reflection of feminism and ecofeminism in Dorris Lessing’s work “The cleft”	345
Азимова М.С.	Садриддин Салим Бухорий ижодида ғазал жанри	349
Бабаев О.А.	Жалолиддин Румийнинг «Маснавий маънавий» асарининг жаҳон адабиётида ўрганилиши	352
Тўраева Л.О.	Ўрим қўшиқларининг образлар таркиби ва бадий-композицион хусусиятлари	357
Хамдамова С.Б.	Уильям Батлер Йейтс ижодида модернистик шеърий техникаларнинг қўлланилиши	362
Bahronova B.B.	Badiiy adabiyotda ijtimoiy munosabatlar va madaniy hayot talqini	368
Qodirova S.A.	“Devonu lug‘otit turk” va “Zarbulmasal” asarlarida qo‘llanilgan maqollarning qiyosiy-tipologik tahlili	372
Ражабов Т.А.	Замонавий ўзбек шеъриятида бадий кўчимларнинг лисоний-бадий таҳлили	376
Норова Н.Б.	Усмон Кўчкор лирикасида тош ва тупрок образларининг қўлланилиши	380
Qurbanova N.R., Mustafoyeva M.A.	Jahon adabiyotida sonet janri tadriji	384
Sayliyeva Z.R.	Ibrohim Haqqul asarlarida tasavvufga munosabat	389

MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK * TEXTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ**

Olimova M.S.	Huvaydo she’riyatida tasavvuf ohanglari	395
Baxtiyorova G.M.	Ahmad Yassaviy toshbosmalarida Qur’on oyatlari talqini	400

“NAVOIY GULSHANI”

Sayliyeva M.R.	About the artistic world of the great artist	405
-----------------------	--	-----

PEDAGOGICS

Safarli N.T.	Formation and development of higher education institutions in Nakhchivan during the Soviet era	408
---------------------	--	-----

HISTORY

Xaitov Sh. A., Ahmadov A.A.	XX asr boshlarida Rossiya-Afg’iston savdo-sotiqlari aloqalari va Afg’iston armiyasi D.N. Logofet talqinida	415
--	--	-----

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ «МАСНАВИЙИ МАЬНАВИЙ» АСАРИНИНГ ЖАҲОН
АДАБИЁТИДА ЎРГАНИЛИШИ

Бабаев Отабек Абдикаримович,
Бухоро давлат университети,
хорижий тиллар факултети,
Немис филологияси
кафедраси ўқитувчиси
o.a.babaev@buxdu.uz

Аннотация: Уйбу мақолада Гарбда жаҳолат ва инквизиция даври деб баҳоланган ўрта асрларда, шарқ адабиёти вакиллари томонидан хусусан буюк мутафаккир, масаввуф илмининг билимдони Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари нолисоний жиҳатдан таҳлилга тортилади. Адабининг бу ва бошқа асарлари пайдо бўлиши биланоқ, адаб аҳлининг кўпчилигини диққатини ўзига тортиди. Адаб асарларидан завқланиши, уларда ифодаланган умумбашарий фазилатлардан ибрат олиши, гўзал маснавий таъсирида ўз она тилида ижодий асар яратиш, Мавлоно Румий сатрлари билан ўз халқини ошно қилиши анъанага айланди. Шу билан бирга мазкур мақолада дидактик образ концепти, Румий ижодининг ўзига хослиги, лирикасидаги дидактик талқин ва адабининг бадиий маҳорати билан бирга Гарб тилларига қилинган ўғирмалари ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Мавлоно, Балхий, «Маснавийи маънавий», Жалолиддин Румий, шарқ адабиётининг даҳолари, Ж.Хаммер, Ж.Родҳоуз, Н.Винфельд, Р.Никелсон, А. Шиммел.

Аннотация: В данной статье не лингвистически анализируется произведение великого мыслителя, учёного суфизма Мавлоно Джалалуддина Руми “Маснави”, когда ещё на Западе в Средневековье считалось периодом невежества и инквизиции. Как только появились эти и другие произведения философа, они привлекли внимание большинства литераторов. Стало традицией наслаждаться литературными произведениями, учиться выраженным в них универсальным качествам, создавать творчество на родном языке под влиянием красивых маснави, знакомить свой народ со строками Маулана Руми. Вместе с тем в данной статье анализируются дидактическая образная концепция, оригинальность творчества Руми, дидактическая интерпретация его лирики, художественное мастерство писателя, а также его переводы на западные языки.

Ключевые слова: Мавлана, Балхи, “Маснави”, Джалалуддин Руми, гении восточной литературы, Дж. Хаммер, Дж. Родхоуз, Н. Винфельд, Р. Никельсон, А. Шиммель.

Abstrakt: This article analyzes non-linguistically the work of the great thinker, scholar of Sufism Mawlano Jalaluddin Rumi “Masnavi”, when in the West in the Middle Ages it was considered a period of ignorance and inquisition. As soon as these and other works of the philosopher appeared, they attracted the attention of most writers. It has become a tradition to enjoy literary works, to learn the universal qualities expressed in them, to create creativity in their native language under the influence of beautiful masnavi, to acquaint their people with the lines of Maulana Rumi. At the same time, this article analyzes the didactic figurative concept, the originality of Rumi's work, the didactic interpretation of his lyrics, the writer's artistic skill, as well as his translations into Western languages.

Keywords: Mawlana, Balkhi, "Masnavi", Jalaluddin Rumi, geniuses of Oriental literature, J. Hammer, J. Rodhouse, N. Winfield, R. Nickelson, A. Schimmel.

Кириш. Кўхна Шарқ асрлар давомида ғарбликлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Ҳамиша афсонавий ва сирли бўлиб туолган Шарқ ўзининг адабиёти ва санъати билан ҳам Европа халқларини мафтун этганилиги сир эмас. Айниқса, Шарқ адабиётининг даҳолари – Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Хайём, Низомий, Аттор, Румий, Саъдий Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бобур ва Бедилнинг инсондўстлик ва хаётсеварлик ғоялари билан йўғрилган адабий-илмий мероси Гарб тадқиқотчиларини бефарқ қолдирмаганлиги бирорвга сир эмас.

Асосий қисм. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳаёти ва ижоди нафақат Эрон, Тоҷикистон, Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон ва бошқа дунё тиллари ва адабиёти вакиллари ҳам, бу зоти шарифнинг ҳаёт йўллари, ўтқир қаламлари билан яратилган юксак бадиий асарлари Европалик

LITERARY CRITICISM

илмсевар олимларнинг дикқатини ўзига жалб қилган. Изланишлар шуни кўрсатадики, Англия, Америка, Франция, Германия, Италия ва бошқа Европа адабиёт мухлислари томонидан Румий асарлари ўрганилди, таржима қилинди ва тадқиқотлар олиб борилди.

Жалолиддин Румий ҳаёт моҳиятини содда, чиройли ва тушунарли тилда асарларига баён этиб бергани учун жаҳон афкор оммасининг дикқатини тортган. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда мадрасаларда дарслек сифатида ўрганилган. Айникса, Эрон, Ирок, Ҳиндистон, Покистон ва Туркияда кенг шуҳрат қозонган. Чунончи, Туркияда XX аср бошларига қадар маснавийхонликлар маҳсус қурилган биноларда ўтказиб турилган. Ёш ва қарийлар бу адабий сухбатлардан бир хил баҳраманд бўлганлар.

Нима учун Румий ижодий бутун жаҳон адабиёти вакилларини дикқатини ўзига жалб қилди? Бу қудратнинг манбаи нима ўзи? Бизнингча, хеч иккиланмасдан “мен онам эмас, ишқ туғди” деган фикрларига таянган ҳолда буни боис ишқидир. Яъни румиёна ишқ.

Хусусан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” пайдо бўлишидан бўён уни шарҳлаш, изоҳ беришга ва ундаги тасаввуфий ғояларни тушунишга бўлган уринишлар тўхтаган эмас. Бу ҳолат аввало, Туркияда Жалолиддин Румийнинг ўз ўғли Султон Валад, замондошлари Аҳмад Афлокий, Фаридун Сипоҳсолор бу ишни амалга оширган бўлсалар, кейинчалик бир қатор таржимонлар ва адабиётшунослар турк тилида Шамъий, Сарварий, Исмоил Анқаравий, Фуод Кўпру́лу, Абдулбоқи Гулпинарли, Мехмет Али Айний, Сулаймон Наҳифий, Обиддин Пошо, Валад Узбудак, Митҳат Баҳори Байтур ва бошқаларнинг шарҳлари, тадқиқотлари, таржималари, дунё юзини кўрди. Эронда эса ҳам “Маснавий”нинг анча шарҳлари Али Даشتӣ, Абулҳасан Зарринқўб, Шафиъ Кодканий, Жамол Ҳумоий, Муҳаммад Истеъломий, Такий Пурномдориён, Муртазо Беҳиштий, Носириддин Соҳибзамоний, Абдулкарим Сирӯш, Бадиъуззамон Фурӯзонфар ва бошқалар томонидан амалга оширилди. Шунингдек, бошқа тил вакиллари, жумладан, урду тилида Мунши Али, Юсуф Алишоҳ Чиштий таржималари, Шиблӣ Нўймоний, Абдуали ва Ҳанифа Абдулҳаким шарҳлари пайдо бўлган бўлса, инглиз олимлари ҳам бу йўлни давом эттиридилар. Мисол, Рейнольд Никольсон, Артур Арберри, Карл Эрнст, Камилла ва Кабир Хелминскийлар, Уильям Читтик, Шахрам Шива, Иброҳим Жўмард ва Колман Баркснинг инглиз тилига, Жозеф Ҳаммер Пургстал, Фридрих Рукерт, Ҳерман Этенинг олмон тилига, Клемен Ҳуарнинг фаранг тилига қилган таржималари орқали «Маснавий маънавий» манзумаси Европага кириб борди. Ғарбнинг Ҳ.Риттер, Ж. Фербервагел, Е.А.Браун, Ҳ.Мессе, Б.Спулер ва А. Шиммел каби олимлари «Маснавий шариф»нинг изоҳи, тадқиқи, насрой баёни ёки сўзма-сўз таржимаси билан машғул бўлдилар. Русийзабонлар эса В.В.Бартольд, А.Кримский, В.А.Гордлевский, Н.Мартинович, Е. Бертельс, И. Брагинский, А.Мецнинг ҳам рус китобхонларни “Маснавий” билан таниширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Булардан ташқари, бир қатор таржимонларнинг хизмати орқали, жумладан Ф.Корш, Иля Сельвинский, Давид Самойлов, Владимир Державин, Наум Гребнев, Дмитрий Шчедровитский, Радий Фиш, Леонид Тираспольскийнинг бадиий-шебърий, Н.Османов, О. Акимушкина, Ю.Иоаннесян, Б.Норик, А.Хисматуллин, О. Ястребова, Л. Лоҳутий, Н. Пригарина, М. Русанов ва Н. Чалисованинг таржималари орқали Жалолиддин Румий ижоди ва ҳаёти билан танишиб баҳра олдилар.

Румий асарлари таржимасига истиқбол ийлларида айниқса кенг йўл очилиб, бу ишга илк дафъя Жуманиёз Жабборов ва Шоислом Шомуҳамедов қўл урди. Улар шоирнинг баъзи ғазалларини таржима қилиб, кейинчалик Сирожиддин Саййид ҳам унинг ғазалларидан бир дастасини ўгириди. Жамол Камол аввалига «Маснавий» ривоятларидан баъзиларини ва айрим рубоийларни таржима қилиб, «Учмоққа қанот йўқ вале учгайман» номли китобча чиқарди, кейинроқ эса «Маснавий»ни ўқувчилар ҳукмига тўлиқ ҳавола этди. Бу асарнинг биринчи дафтаридан Аскар Маҳкам ҳам каттагина парчани шеърий, лисоний таржимаси ва шарҳлари билан алоҳида китоб ҳолида эълон қилди.

“Маснавий маънавий”нинг пурхикмат байтларига шарҳ бериш масаласида ҳам бир қатор қимматли ишлар амалга оширилди. Айни йўналишга XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарини киритиш мумкин.

Қўринадики, XIII асрда ибтидо топган “Маснавий маънавий”га издошлиқ, ундан таъсирланиш, унга жавоб айтиш, шарҳу изоҳлар ёзиш, уни таржима қилиш ўзига хос адабий анъана сифатида шаклланиб, XXI асрга қадар давом этяпти. Фикримизнинг далили сифатида форсий адабиётнинг моҳир мутаржими Аскар Маҳкам томонидан амалга оширилган таржима ва изоҳни қайд қилиш жоиздир. Қувонарли томони шундаки, бундай савобли харакатлар ўрта йўлда қолиб кетмади ва ўзбек китобхони бу ноёб асар билан тўла танишиш имкониятига эга бўлди. “Маснавий маънавий” салоҳиятли таржимон, Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камол томонидан тўла ҳолда ўзбек тилига ўгирилди ва биринчи бор олти китоб ҳолида, иккинчи бор бир китоб шаклида ва учинчи бор икки китоб шаклида нашр этилди. Бу таржима олти китоб ҳолида Туркия Республикасининг Кўнё шахрида

ҳам нашр этилди.

Алишер Навоийнинг бирор - бир асари йўқки, унда у ижод этган адабий мухитнинг маълум бир хусусияти, унинг намояндалари номи зикр этилмаган бўлсин.

Тазкирани тартиб бериш жараёнида форсий адабиётнинг буюк намояндаси, башарият шоири, “Маснавийи маънавий”дек ўлмас асарнинг муаллифи Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти, адабий меросига оид маълумотлар ўзбек адабининг диққатини ўзига жалб этгани шубҳасиз. Шу боис “Мавлоно Жалолуддин Муҳаммад Балхий Румий қ.с.” таърифи “Насойим ул-муҳаббат”нинг алоҳида саҳифаларини ташкил этади.

Мазкур саҳифалардан, аввало, Мавлононинг таваллуд йили ва жойи, болалик чоғида у киши билан содир бўлган мўъжизалар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Адабиётшунос Суйима Фаниева мазкур асар ҳақида ва Румий билан боғлиқ маълумотларни берар экан, шундай ёзади: “Хожа Муҳаммад Порсо, Фаридуддин Аттор, Хожа Авҳадуддин Ҳамид Қиром, Амир Қавомуддин Синжоби ва бошқа машойихлар ҳақидаги фикрларда Жалолуддин Румий билан боғлиқ маълумотлар эҳтиёткорлик билан туркйига ўгирилган”.

Ўтмишда ўзбек тилида ҳам “Маснавийи маънавий”ни шарҳлашга уринишлар бўлган. “Маснавийи маънавий”га шарҳ ёзиш XV асрдан бошланган. Илк шарҳни Камолиддин Ҳусайн Хоразмий ёзган. Лекин у “Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор”да манзуманинг фақат уч дафтарини шарҳлаган. Яна Машрабнинг “Мабдаи нур” XVIII асрда Хоразмда яшаб фаолият кўрсатган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳ ул-асрор” асарларини бунга мисол келтириш мумкин.

Машрабнуслиқда эътироф этиладиган хулосаларга кўра, “Мабдаи нур” буюк шайх ва шоир Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарига жавоб тарзида дунёга келган. Машраб маснавийсида кузатиладиган қатор зоҳирий аломатлар мазкур асарлар ўртасидаги муштаракликлардан далолат беради.

Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий “Мифтоҳ ул-асрор” асарида аввало, китоб таркиби олти фаслдан иборатлигини қайд қиласи, тадқиқотнинг бошланишида, илм турлари, соликлар, тақлид ва камол аҳли сифати хусусида фикр юритилади. Кейин “Маснавийи маънавий” асарининг учта дафтаридан ҳикоят, ривоятларни танлаб румиёна талқинларидан фойдаланган ҳолда мақсад ва муддаосини изоҳлашган. Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий асардаги 511 та ривоятга мурожаат қилган ва уларни шарҳлаган.

Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий “Мифтоҳ ул-асрор” асарида аввало, китоб таркиби олти фаслдан иборатлигини қайд қиласи, тадқиқотнинг бошланишида, илм турлари, соликлар, тақлид ва камол аҳли сифати хусусида фикр юритилади. Кейин “Маснавийи маънавий” асарининг учта дафтаридан ҳикоят, ривоятларни танлаб румиёна талқинларидан фойдаланган ҳолда мақсад ва муддаосини изоҳлашган. Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий асардаги 511 та ривоятга мурожаат қилган ва уларни шарҳлаган.

Мустақилликкача Румий ижодига муносабат бир томонлама эди. Адаб асарлари юзаки ўрганилди. Адабиётшунос Нажмиддин Комилов айрим тадқиқотларида фикрининг тасдиғи учун “Маснавийи маънавий”дан “Тўрт йўловчи” ривоятини келтиради. Шунингдек, шоир ғазалларидан “Онҳо ки талабори Худоед, Худоед” мисраси билан бошланадиган ғазални келтириб, замон зайларидан Румий худопараст, реал ҳаётни бир томонлама тушунган деган фикрларни билдирилган. Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда шоир ижодининг тасаввуфий ва ахлоқий, панду ҳикматга бойлигини, инсон қадри адаб ижодида улуғланганлигини ўрганишга эътироф ортди.

Захматкаш мутаржим Асқар Маҳкам туркиялик румийшунос олим Обиддин Пошшо ва эронлик мавлавийшунос Карим Замонийларнинг шарҳларидан фойдаланган ҳолда, “Маснавийи маънавий” биринчи китобининг бир қисмини 1999 йилда ўзбек тилига ўтириди.

Форс адабиётининг немисзабон мамлакатларда қабул қилиниши адабиёт учун катта аҳамиятга эга. Бу форс шоирларининг дунёқараши, шунингдек, уларнинг шеърий тартиб-коидаларини билишга тегишли.

Масалан, Иоганн Волфганг фон Гёте форс шеъриятида ифодаланган скептик мослашувчанликни тан олди ва қадрлади. Бундан қарийб икки юз йил аввал, 17-асрнинг биринчи ярмида форс адабиёти илк бор немис тилига, дастлаб ўрта тил сифатида француз тилига таржима қилинган. Жозеф фон Ҳаммер-Пуршталл (Jozef fon Hammer-Purgstall) 1799 йилда Истанбулда ўзининг машхур шеърий таржималарини бошлаганида, форс тили ҳали таржимонлар учун жуда қийин эди.

Бартелеми (Barthelemy d'Herbelot de Molainvilles) нинг нуфузли библиографик энциклопедияси (Bibliothéque Orientale) 1697 сарлавҳа билан соф таржималардан ташқари, вақти-вақти билан икки

тилли нашрлар ишлаб чиқарилади. Биринчиси, Франс Эрдман (Frans Erdmann) Татаристоннинг Қозон шаҳрида, 1843-йилда нашр эттирган Низомийнинг “Етти гўзал” асарининг қисман нашри, иккинчи нашри ҳам кейинги илии Берлинда нашр этилган. 1481-1566 йиллар орасида кўплаб араб ва форс тилларида асарлар турк тилига таржима қилинган. 1630-йилларда Усмон полимати Котиб Чалабий Суриянинг Алеппо шаҳридан ўтаётганда маҳаллий антикварлардан топиб олган кўлёзмаларнинг номларини ёзид олишни бошлади ва шу тарика ўзининг кенг қамровли лойиҳасини бошлади: фан ва адабиётдан араб, форс ва турк тилларида 14500 га яқин асар. алифбо тартибида тасвирланиши (араб тилида, Кашф аз- Зунун ан Асами ал-Кутуб ва-л-Фунун کشف نونه عن الظہون کشف نونه عن الظہون) (واہ فنون ال کتب اسامی عن ال ظہون کشف نونه عن الظہون) Бу библиографик лексика Бартелеми (Barthelemy d'Herbelot de Molainvilles) энциклопедияси (1697) учун асос бўлди, у 1777-79 йилларда Шулц (Johann Friedrich Schultz) томонидан немис тилига таржима қилинган, Райске ва Шултенс (Johann Jacob Reiske ва Hendrik Albert Schultens) томонидан қўшимчалар киритилган. 1785-1790 йиллар оралиғида Ҳалле шаҳрида “Шарқ кутубхонаси” "Orientalische Bibliothek" ёки “Универсал лугат” "Universal Dictionary" номи билан нашр этилган бўлиб, унда Шарқни билиш учун зарур бўлган барча нарсалар мавжуддир. 17 аср ўрталарида Лайден университети форсча қўлёзмалар коллекциясини ташкил қила бошлади. У ердан Якуб Голий, Голландиялик шарқшунос (Jacobus Golius) 1625-1629 йилларда қўлёзмаларни ўрганиш ва сотиб олиш учун Шарқка жўнаб кетади. Шарқ қўлёзмалари кейинчалик Париждаги Роял кутубхонаси (Bibliothèque Royale) ва Оксфорддаги Бодлеян (Bodleian Library) кутубхонаси учун ҳам сотиб олинади. Германияда шунга ўхшаш марказ ўша даврда йўқ эди, аммо Мюнхен, Берлин, Гамбург ва Дрездендаги олимларнинг шахсий кутубхоналарида бир нечта қўлёзмалар мавжуд эди. 17 аср охиридан бошлаб Европада шарқшунослик таназулга юз тутади. Иоханн Якоб Райске (Johann Jakob Reiske) 1738 йилда Лайпцигдан Лайденга тил қўнималарини ошириш, форс ва араб тилларини чуқур егаллаш учун жўнаб кетади.

Тарихда араб ҳарфлари учун биринчи ёғоч ҳарфлар 1554 йилда Венада кесилган, чунки одамлар шарқ тилларидан амалий фойдаланишга қизикиш билдирган. Венадан ташкири, Амстердамда Саъдийнинг “Гулистан” асарини чоп этиш учун 1651 айнан шу турдан фойдаланилган ва бу 1882 йилгача сақланиб қолган, кейин улар Голландияда бошқа асарни чоп этиш учун қайта ишлатилган.

Ватанимиз истиқлол йилларида Румий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини таржима қилиб, нашр этишда алоҳида давр бошланди, дейиш мумкин. Ориф Усмон, Ҳамидjon Ҳомидий, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Ҳамидулла Болтабоев, Тоҳир Қаҳҳор, Рашид Жумаев, Эргаш Очилов, Ҳусрав Ҳамидов каби олимлар бу борада илмий тадқиқотларини ўзлон қилдилар.

Хулоса. Муҳтасар қилиб айтганда, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг шахсияти ва ижодига муносабат билдириш илк бор Ҳазрат Алишер Навоийдан бошланади, десак бўлади. Бу фикримизнинг далили сифатида “Насойим ул- муҳаббат” асарида Румий ҳаёти ва ижодига доир фикрларни келтириш мумкин.

Ҳазрат Алишер Навоийдан кейин ўзбек тилида ҳам “Маснавийи маънавий”ни шарҳлашга уринишлар бўлган. Ҳайдар Хоразмийнинг “Жавоҳир ул-асрор” асарини бунга мисол қилса бўлади.

Бугунги изланишларимиздан маълум бўлдиким, Гарбда Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилган, ўрганилмоқда, асарлари таржима қилинган, тафсирлар ёзилган, ёзилияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdikarimovich, B. O. "The views of Jalaliddin Rumi." Middle European Scientific Bulletin 12 (2021): 319-322.
2. Мавлоно Жалолиддин Румий. *Маснавийи маънавий. Биринчи китоб.* – Т.: ЎзР ФА Фан, 2005. – Б. 368; Иккинчи китоб. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашириёти, 2002. – Б. 335; Учинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА Фани, Эрон Ислом Республикаси Ал-Худо ҳалқаро нашириёти, 2003, – Б. 431; Тўртинчи китоб. – Тошкент – Техрон: ЎзР ФА Фан, Эрон Ислом Республикаси “Ал-Худо”, 2003. – Б. 350; Бешинчи китоб. – Техрон: Ал-Худо, 2004. – Б. 400; Олтинчи китоб. – Техрон: Ал-Худо, 2004. – Б. 454.
3. Zoyirovna K. D. Study of Linguoculturology in Linguistics //Miasto Przyszlosci. – 2022. – Т. 30. – С. 292-294.
4. Фаниева С. Жалолуддин Румий Навоий нигоҳида. Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишиланган илмий анжуман материаллари. – Т.: 2007. – Б. 32-35.
5. Sharopovna B. R. Some approaches to translation //Indonesian Journal of Innovation Studies. –

LITERARY CRITICISM

2022. – T. 18.

6. Halimovna K.D. *Variability and invariability in fairy tales (As the example of the translation of grimm's fairy tales)* //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – T. 24. – №. 1. – pp. 138-144
7. Zoyirovna H. D. *Studies on the Concept of "Motherland" ("Heimat") in Cognitive Linguistics* //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2022. – T. 3. – №. 11. – C. 155-158.
8. "Yo.V.Gyote "G'arbu Sharq devoni"ning Maqsud Shayxsoda va S.S.Buxoriy tarjimalariga xos xususiyatlar". Ilm sarchashmalar. 2021/1.
9. KD Halimovna. *The Influence of Language and Principles of Translation on the Origin of Variation and Invariance in Translation*. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal, 2022.
10. Babayev O. *The first encounter between jaloliddin rumi and shams tabrizi* //центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2023. – T. 27. – №. 27.
11. Abdulxayrov D. *Nemis tili so 'z boyligining oshishida sharq tillarining o 'rni* //центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2022. – T. 13. – №. 13.
12. Abdikarimovich, Mr B. O. "The True Values of the Mavlono Jaloliddin Muhammad Rumiy's Philosophy in Russian Translations." International Journal on Orange Technologies, vol. 2, no. 12, 31 Dec. 2020, pp. 68-71, doi:10.31149/ijot.v2i12.1091.
13. Qaxorovna, Sanoyeva Dildora. "Mavlono rumiy va asketizm." o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali 1.9 (2022): 40-43.
14. Ruziev Y., Khudoev S., Rakhmatov A. *The use of the past tenses in German and English* //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 6. – C. 61-66.
15. Akramovna J. M., Bozorovich R. Y. *The Explanation of Past Simple in the Uzbek and Turkish Languages* //Spanish Journal of Innovation and Integrity. – 2022. – T. 5. – C. 152-161.
16. Ruziev Y. Временное значение глагольного действия в немецком языке //Центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2021. – T. 8. – №. 8.
17. Ҳасанов М. Улуг китобнинг улуг шарҳи (Сўзбоши) Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Миғтоҳ ул-асрор. – Т.: 2006. – Б.4.